

ТАЪЛИМ ДАСТУРИ ПРОФИЛИ

(5240100 – Юриспруденция: Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик)

Умумий маълумотлар:

ОТМ номи ва манзили: Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ), Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 100047.

Ташкилот тури ва ҳуқуқий мақоми ҳақида маълумот: ТДЮУ юридик шахс бўлиб, давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Академик календар: Университетда ўқув йили қоида тариқасида 2 сентябрдан бошланади ва ўқув соатлари ўқув йилида 28 ҳафтани ташкил этади, жумладан 14 ҳафта кузги, 14 ҳафта баҳорги семестрлар учун.

Кузги ва баҳорги семестрларда талабаларнинг мустақил таълими учун алоҳида ҳафталар ажратилган. Бунда кузги семестрда 1, 6, 12-ҳафталар, баҳорги семестрда эса 29 ва 35 ҳафталар мустақил таълим ҳафталиги ҳисобланади.

Қишки таътил ўқув йилининг 18 ва 19 ҳафталарида бўлиб ўтади.

Ўқув йилининг 20-23-ҳафталари кузги семестр учун якуний назоратларни топшириш учун ажратилган.

Баҳорги семестр қоида тариқасида 1 февралдан бошланади. Ўқув йилининг 40-43 ҳафталарида баҳорги семестр учун якуний назоратлар бўлиб ўтиши режалаштирилган.

1-3 курс талабалари учун ўқув йилининг 44-52 ҳафталари ёзги таътил учун ажратилган.

4-курс талабалари учун ўқув йилининг 24-33 ҳафталарида битирув малакавий амалиёт ўташи, 34-42 ҳафталарда эса Якуний давлат аттестацияси (талабалар танлови асосида комплекс давлат имтиҳони ёки битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш) ўтказилади.

Таълим дастури ҳақида маълумот:

Таълим дастури номи, шифр коди: 5240100 – Юриспруденция: Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик

Таълим дастури давомийлиги нечи йил: 4 йил

Жами кредитлар миқдори: 240 ECTS

Дастур тури: бакалавр

Дастур тили: ўзбек, рус, инглиз

Ўқув режа: ТДЮУ Кенгашининг 26.06.2020 йилги мажлиси қарори билан тасдиқланган.

Қабул талаблари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тест синовлари орқали амалга оширилади. Тест синовлари фанлар мажмуаси ва баҳолаш мезонлари 2020/2021 ўқув йили учун қуйидагича:

– *тарих фанидан* жами **30** та савол бўлиб, ҳар бир тўғри жавобга **3,2** балл берилади. Мазкур фандан тўпланиши мумкин бўлган умумий балл **96** баллни ташкил этади.

– *чет тили фанидан* жами **30 та** савол бўлиб, ҳар бир тўғри жавобга **3,1** балл берилади. Мазкур фандан тўпланиши мумкин бўлган умумий балл **93** баллни ташкил этади.

Умумий тест синовларидан тўпланиши мумкин бўлган максимал балл **189** баллни ташкил этади.

Чет тилидан ўтказиладиган тест синовларидан озод этиш ва ушбу фандан максимал балл олиш учун чет тилларини билиш бўйича сертификатлар даражалари қуйидагича бўлиши талаб этилади:

CEFR миллий сертификати бўйича – **B2** ва ундан юқори;

IELTS сертификати бўйича – **5,5** (бунда writing модулидан 5,5 балл) ва ундан юқори;

TOEFL сертификати бўйича – **72** балл;

бошқа тиллар бўйича тегишли миллий ва халқаро сертификатлар – **B2** ва ундан юқори.

Тўлов шарнома пули:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун **9 782 352,0** сўм,

хорижий фуқаролар учун **16 711 518,0** сўм тўлов-контракт миқдорлари белгиланган.

Ушбу миқдорлар таркибида талабага бир йиллик стипендия тўлаш билан боғлиқ харажатлар кўзда тутилмаган. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорлари ўзгарганда тўлов-контракт қиймати миқдорлари мос равишда ўзгаради.

Таълим йўналиши объекти: юриспруденциянинг умумий асослари, миллий ҳуқуқ тизими билан биргаликда халқаро ҳуқуқий тизим ҳамда хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимлари, ҳуқуқни, хусусан халқаро ҳуқуқни ва коллизия нормаларни қўллаш амалиёти, халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзига хослиги, халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро нисбати ҳамда чет эл ҳуқуқини қўлланилиши, халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини тушуниш ва амалиётда қўллашга оид билим, кўникма ва малакага эга олий малакали юридик кадрлар тайёрлаш.

Мақсад талабаларда: юриспруденция соҳасидаги назарий билимларни ва амалий кўникмаларни шакллантириш, халқаро оммавий ҳуқуқ, халқаро хусусий ҳуқуқ, шу жумладан инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш, халқаро низоларни ҳал этиш, миллий ва чет эл ҳуқуқини қиёсий тадқиқ қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва халқаро ташкилотларда ишлаш учун халқаро ҳуқуқ соҳасидаги амалдаги халқаро ва миллий ҳужжатларни тўғри тадқиқ қилиш ва қўллаш, халқаро ҳужжатларни тайёрлаш ва халқаро музокаралар ва ёзишмаларни олиб бориш бўйича амалий билимларни шакллантириш, мустақил ва тизимли таҳлил қилиш кўникмасини ривожлантириш, халқаро муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек халқаро низоларни ҳал этиш усуллари билан боғлиқ бўлган амалий муаммоларни, халқаро арбитраж ва чет эл судларидаги низоларни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш, халқаро-ҳуқуқий нормаларни асосли шарҳлай олишни, халқаро масалалар бўйича ўз нуқтаи назарини аниқ асослаш ва

далил келтира олиш қобилиятини, ташқи сиёсий вазиятларни юридик жиҳатдан тўғри баҳолаш кўникмасини шакллантириш.

Таълим сўнгида кутилаётган натижалар (малака, кўникма, лаёқат).

Таълим йўналиши битирувчилари:

- янги билимларни мустақил эгаллай олиш, воқеликка ҳуқуқий баҳо бериш;

- халқаро ҳуқуқ, халқаро хусусий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқ соҳалари бўйича билимларини амалиётда қўллаш олиш;

- чет эл элементи билан мураккаблашган низоларни ички низолардан фарқлаб, уларга асосли ечим бериш;

- халқаро ва миллий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш;

- халқаро-ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ва қўллаш;

- музокараларни олиб бориш ҳамда кўптомонлама ва икки томонлама келишувлар доирасида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш;

- таҳлилий фикрлаш ва вазиятга ҳуқуқий баҳо бериш, муаммоли ҳолатларда ҳуқуқий ечимлар таклиф қила олиш;

- халқаро ҳуқуқ нормалари, чет эл ҳуқуқи ва миллий қонунчиликни қўллаш орқали ҳуқуқий вазифаларни баҳолаш ва ҳал қилиш **малакасига эга бўлади.**

- халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳасида эгалланган билимларини давлат, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари манфаатларини халқаро майдонда акс эттириш ва ҳимоя қилиш;

- халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш;

- шартномалар ва битимлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

- аниқ вазиятларни ҳуқуқий квалификация қилиш;

- таҳлилий маълумотларни тузиш **кўникмасига эга бўлади.**

- таҳлилий, танқидий фикрлаш ва миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро нормаларни қўллаш, халқаро ва бошқа чет эл ташкилотлари билан бўладиган муносабатларда иштирок этиш, хорижий давлатларнинг судлари, ташкилотлари, халқаро судлар ва арбитражлар олдида Ўзбекистон Республикаси, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш;

- хорижий мамлакатлар ҳуқуқ нормалари ва миллий ҳуқуқ нормаларини қиёсий таҳлил қила олиш учун зарур бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмаларига эга бўлиш;

- ҳуқуқ принципларини тушуниш, уларни амалий ҳаётда қўллаш олиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини тушуниш, уларни шарҳлаш ва қўллаш олиш;

- ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, халқаро стандартларга мувофиқ юридик аудит ўтказиш **лаёқатига эга бўлади.**

Қайси соҳаларда ишласа бўлади: Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан адлия, прокуратура, ички ишлар органлари тизими, халқаро ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар ва бошқа ташкилотларда

фаолият олиб бориши мумкин. Шунингдек, битирувчилар барча турдаги ташкилотларнинг юридик хизматлари ҳамда халқаро алоқаларига масъул бўлинмаларида ҳам фаолият олиб боришлари мумкин. Юриспруденция таълим йўналиши бўйича бакалавр дипломи талаб этиладиган барча соҳаларда ишлаши мумкин.